

Мавзу: Двигателни айланиш частотасини автоматик бошқариш тизимининг функционал схемасини тузиш

Ишининг мақсади.

1. Ички ёнув двигателининг айланиш частотасини автоматик бошқариш тизимининг таркибий схемаларини тузиш

2. Ички ёнув двигателининг айланиш частотасини автоматик бошқариш тизимининг узатиш функциясини аниклаш


Мисол. Берилган принципиал схема асосида (1 - расм) ички ёнув двигателининг айланиш частотасини автоматик бошқариш тизимининг таркибий схемасини ишлаб чиқинг.

Ечиш. Эгилувчан тескари алоқали ички ёниш двигателини айланиш частотасини автоматик тарзда бошқариш фаолиятини ўрганиш хамда функционал схемасини яратиш. 1- расмда принципиал схема келтирилган.


Ечиш:

Схемани ишлашида 1 расмдан фойдаланиб аниклик киритамиз. Қабул қилувчи орган *KKO* (26-б расм) *AB* ричаг орқали марказдан қочирма маятник *1*, золотник *3* га таъсир этади, функционал схемада кучайтириш органи *KO* деб белгиланган.


Олдинги серва мотор *C* – ижро органи *IO* золотник ёрдамида бошқарилади. Серва мотор ёқилғи насосини *4* рекасини ўрнини ўзгартиради, функционал схемада у ростлагич орган *PO* вазифасини бажаради ва у двигател слиндрига ёқилғини узатишини бошқарув органи *BO* ўзгартиради. Гидросистема насоси манба блоки вазифасини бажаради. Системада 2 та тескари алоқа мавжуд. Эгилувчан тескари алоқа *OC1* ижро органини кучайтирувчи органининг чиқишида биргаликда, ричаг *AB* ва пружина *7* изодром *6* ёрдамида пайдо бўлади. Иккинчи тескари алоқа *OC2* ростлаш органининг бошқарув органи билан биргаликда двигател вали билан ёқилғи насосининг конструктив алоқа натижасида пайдо бўлади – насоснинг айланиш частотаси n_2 двигател n_1 аборотининг сонига пропорсионал. Изодром курилмаси астатик тавсифни ростлашни тамиллайди. Фалаённи кенг ўзгаришида айланиш частотасини аник стабиллашга эришилади. $M(t)$ двигател валининг моменти. Масалан юкламани камайтирганда двигателнинг айланиш частотаси кўпаяди. *AB* ричаг эса *B* нукта атрофига бурилади ва золотник поршенини *3* юкорига силжитади. Босим остидаги мой серва моторни *4* юқори қисмiga келади. Серва моторнинг поршени пастга силжиб насос рекасини ёқилғи узатиш томонига суради. Бир вактнинг ўзида изодром поршени пастга силжиди ва пружина *7* пастга силжиди, чунки поршен тешиги кичиклиги сабабли изодром слиндридаги мой паст қисмидан юқори қисмiga ўтишга улгурмайди. Бунда ричаг *AB* нукта *A* томонга бурилади ва золотник *3* дарчасини ёпади, бунинг натижасида серва мотор поршени ўз харакатини тўхтатади, чунки двигател айланиш частотаси олдингидан анча юкори. Сўнгра пружина *7* харакати таъсирида ричаг *AB* нинг *B* нуктаси секин аста слиндрдаги *6* мой оқимига қараб ўзининг дастлабки холатига қўтарилади ва золотникнинг дарчасини яна очади. Бу жараён системада мутаносиблик бўлмагунигача такрорланаверади, чунки двигателнинг айланиш частотаси аник белгиланган. Бу ростлагич астатик ёки изодром деб аталади.



1-расм. Ички ёнув двигателининг айланни частотасини автоматик бошқарии тизимининг принципиал схемаси



2-расм. Ички ёнув двигателининг айланни частотасини автоматик бошқарии тизимининг функционал схемаси



$$W_1(p) = \frac{F_3}{F_2}$$

$$W_2(p) = \frac{\delta^1}{F_3}$$

$$W_3(p) = \frac{F_4}{\delta^1}$$

$$W_4(p) = \frac{Q}{\delta}$$

$$W_0(p) = \frac{n}{Q}$$

$$W_5(p) = \frac{n_1}{n}$$

$$W_6(p) = \frac{F_1}{n}$$

Соддалаштириш кетма кетлиги

$$W_I(p) = \frac{W_1(p) * W_2(p)}{1 + W_1(p) * W_2(p) * W_3(p)}$$

$$W_{II}(p) = \frac{W_4(p) * W_0(p)}{1 + W_4(p) * W_0(p) * W_5(p)}$$

$$W_{ym}(p) = \frac{W_I(p) * W_{II}(p)}{1 + W_I(p) * W_{II}(p) * W_{6\check{y}}(p)}$$

Назорат саволлари

1. Ички ёнув двигателининг айланиш частотасини автоматик бошқариш тизимининг принципиал схемасининг иш тартибини тушунтириб беринг.
2. Марказдан қочма маятник қандай вазифани бажаради?
3. Ички ёнув двигателининг айланиш чаотасини автоматик бошқариш тизимининг функционал схемасини тузиш тартибини тушунтириб беринг.
4. Схемада ростловчи орган қандай вазифани бажаради?